

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'ZENERGOINJINIRING" AJ

Объявление

"O'ZENERGOINJINIRING" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ 2024 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛ КУНИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР.

**«O'ZENERGOINJINIRING» акциядорлик жамияти
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
ўтказиши тўғрисида хабарнома.**

Тошкент шаҳар, Мухтор Ашрафий, биринчи тор кўча, 9 уй манзил бўйича жойлашган «O'ZENERGOINJINIRING» АЖ ўз акциядорларига маълум қиладики, 2024 йил 23 январ куни бўлиб ўтган кузатув кенгаши йиғилишининг қарорига мувофиқ, 2024 йил 20 феврал куни соат 11-00 да Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий, биринчи тор кўча, 9 уй манзил бўйича, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳақида хабарлаш учун акциядорлар реестри 2024 йил 23 январ холатига тузилган, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2024 йил 14 феврал холатига тузилади.

Кун тартиби:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. «O'ZENERGOINJINIRING» АЖнинг ижроя органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.
3. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Жамиятнинг хисобот давридаги молиявий-иқтисодий фаолияти натижаларига кўра Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи (Бош директори), Жамият активи ва меҳнат жамоаси аъзоларига рағбатлантириш ҳақини тўлаш тўғрисида»ги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.
4. Жамият тафтиш комиссиясини фаолиятини тугатиш ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомни бекор қилиш тўғрисида.5.
5. Ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан «O'ZENERGOINJINIRING» АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
6. «O'ZENERGOINJINIRING» АЖнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

7.“O'ZENERGOINJINIRING” АЖнинг 2023 йил натижалари бўйича мажбурий (ХМҲС ва МБҲС) аудит текширувини ўтказиш, СМК ва СИК қийматлари ҳисоб-китобларининг тўғрилигини ва уларни амалга ошириш фоизини текшириш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш, ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини чегарасини белгилаш ва у билан шартома тузиш (бекор қилиш).

Қўшимча маълумот олиш учун Тошкент ш., М. Ашрафи кўчаси биринчи тор куча, 9 уй манзил бўйича, ҳамда 71- 291-87-24 телефон орқали мурожат қилишингизни сўраймиз.

Йиғилишда иштирокчиларни рўйхатга олиш 2024 йил 20 феврал соат 10-00 да бошланади.

Рўйхатга олиш вақтида акциядор, амалиетидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари асосида, ёнида паспорти, еки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бўлиши шарт, акциядор вакили эса, бундан ташқари – белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

24.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/en/announce/16713/>

Дата: 07.05.2026